

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ШАХЛО АБДУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ
(1991-2021 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Убайдуллаева Шахло Абдуллаевна

Ўзбекистон тиббиётини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни
(1991-2021 йиллар) 5

Убайдуллаева Шахло Абдуллаевна

Роль женщин в развитии медицины Узбекистана (1991-2021 годы)..... 29

Ubaydullayeva Shakhlo Abdullayevna

The role of women in the development of medicine in Uzbekistan
(1991-2021 years) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ШАҲЛО АБДУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ
(1991-2021 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Таг877 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминова Гавхар Эсановна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот

Термиз давлат университети

Диссертация хўмояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021.Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" 12 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56. e-mail: qarshu@mail.ru). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56. e-mail: kardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "19" 12 кун тарқатилди
(2022 йил "19" 12 даги 12 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж.Эшов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ражабова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент

Ю.А.Эргашева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XXI асрга келиб келиб гендер тенглигини таъминлаш орқали жамият ҳаётида хотин-қизлар ролини кўтариш дунёнинг турли мамлакатлари сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Хотин-қизларни жамият ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасининг педиатрия, акушер-гинекология, неврология йўналишларидаги ҳиссасини янада ошириш давр талабига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бу борада асосий эътиборини хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масалаларига қаратмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг ушбу масалага эътибори хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда тиббиёт соҳасининг касалликлар диагностикаси, терапия, педиатрия, жарроҳлик йўналишларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг тиббиёт соҳасидаги ўрнини кучайтириш, тиббиётда гендер тенглик, тиббий кадрларни рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиёт тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан она ва бола саломатлигини сақлаш, юқумли касалликлар, сил касалликларига қарши кураш ишлари каби тадбирлар натижасида соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. “Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётимиз муҳим масаладир. Ўз аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш – ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб масала саналади”¹. Бу борада олиб борилаётган ислоҳотларда, хусусан, аҳоли ўртача умр кўришини узайтириш, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичининг пасайтириш, юқумли ва ижтимоий касалликларнинг олдини олиш ишларида хотин-қизларнинг улуши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018, 29 декабрь. – №225 (2229). – Б. 1.

ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва соҳа фаолиятини такомиллаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлаништиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир тадқиқотларни куйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Мустақиллик даврида маҳаллий олимлар ва муаллифлар томонидан нашр қилинган ишлар. 2) Хорижий муаллифларнинг тадқиқотлари.

Мавзу тарихшунослигида муҳим ҳисобланган Ўзбекистон мустақиллиги йилларида нашр этилган ишлар кўлами кичик бўлиб, уларнинг аксарияти мақола характерида бўлди². Уларда Ўзбекистон тиббиёт соҳаси ривожига

² Мелибеков С. Нозик танни, покиза руҳни асраб... // Соғлом авлод учун, 1997 йил 11-сон, – Б. 4; Истиклол берган имконият // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоеохранение Узбекистана, 2006 йил 29-август – Б. 5; Шомуратов Ш. Ислохотлар самараси ва инсон саломатлиги // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2011 йил 12 август № 32 (845). – Б. 5; Бекназаров Т. Бу даргоҳ оналарга бахтни йўрғаклаб беради // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2016 йил 8-сон. – Б. 5; Соатова И. Оналари бахтли, болалари соғлом мамлакат // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2016 йил 2-сон (1075) – Б. 2; Тожимамадова М. Энг мукарам зотга таъзим // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2016 йил 9-сон. – Б. 2; Каримова М., Анваров Ш. Сахий қалб соҳиби // Тиббиётнома, 2017 йил 26 сентябрь. 9-сон. – Б. 4; Ўз касбини фидойиси. Тиббиётнома, 2018 йил 25 сентябрь 9-сон. – Б. 2; Шомуратов Ш. Шукурова Э., Ирсалиева Ф. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа // Тиббиётнома, 2018 йил 4-сон. – Б. 7; Абдуганиев Ҳ. Оналари соғлом юртда баркамол авлод улғаяди // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2018 йил 39-сон. – Б. 6; Аҳмедова К. Улкан шижоат билан тобора илгарилаб борамиз // Сихат-саломатлик, 2019 йил 11-сон. – Б. 6; Турдибоева В. Вирусли инфекциялар: химояланиш йўллари биламизми? // Сихат-саломатлик, 2019 йил 2-сон. – Б. 8; Ўша муаллиф. Юқумли хасталикларнинг олдини олиш-муҳим вазифа // Сихат-саломатлик, 2019 йил 8-сон. – Б. 5; Нуриддинова Н., Шоалимова З. Буюк мақсадлар билан яшаш саодати // Тиббиётнома, 2019 йил 29 октябрь. – Б. 6; Муҳаммадиева М. Аниқ ташхис, замонавий даво ва ижобий натижалар // Сихат-саломатлик, 2019 йил 4-сон. – Б. 9; Содиқова Ҳ. Соғлом фарзанд-соғлом жамият // Сихат-саломатлик, 2019 йил 4-сон. – Б. 5; Пўлатова М. Оналар ва болалар ўлимнинг олдини олишга доир ислохотлар ўз натижасини бераптими? // Оила даврасида, 2019 йил 8-сон. – Б. 4; Турдибоева В. Оналик шодлигини улашиб... // Сихат-Саломатлик, 2019 йил 10-сон. – Б. 9; Ўша муаллиф. Эзгулик йўлидан бориб // Сихат-саломатлик, 2019 йил 3-сон, – Б. 5; Джураева Г. Мартаба ва мафгункор хислат эгаси // Тиббиётнома, 2019 йил 24 сентябрь. – Б. 7; Муҳаммадиева М. Оналик бахт, шодлик, улуғ мартаба... // Sihat-salomatlik, 2019 йил 8-сон. – Б. 4; Зоҳидов А. Она ва бола саломатлиги давлат химоясида // Сихат-Саломатлик, 2020 йил 10-сон. – Б. 5; Она ва бола саломатлиги давлат химоясида // Сихат-Саломатлик, 2020 йил 10-сон. – Б. 7; Абдуҷабборов И. Эъзозхон Ғуломова: асосий мақсадимиз касалликни эрта аниқлаб, уни даволаш // Фарғона шифокори, 2021 йил 11-сон. – Б. 5; Эргашева М. Счастье Нели Багдасаровой // Тиббиёт ва замон, 2021 йил 6-сон. – Б. 8; Ҳасанов И. Ўзбекистон тиббиёти-инсон кадри учун // Фарғона шифокори, 2021 йил 2-сон. – Б. 6; Қодиров Н. Тиббий фаолиятнинг долзарб жиҳатлари // Шифокор сўзи, 2021 йил 6-сон. – Б. 7; Зоҳидов А., Ҳамидов С. Наманганнинг қахрамон шифокори // Тиббиёт ва замон, 2021 йил 4-сон. – Б. 6; Ҳамидов С. Дунёга келишга шодан миттижон ёхуд ҳаётнинг дастлабки лаҳзалари таҳликага бой бўлган чақалоқлар // Тиббиёт ва замон, 2021 йил 5-сон. – Б. 7; Эргашева М. Нанайнинг Захроҳон доктори // Тиббиёт ва замон, 2021 йил 5-сон, – Б. 9; Эргашева М. Тўрақўрғон тиббиёти: илғор усуллар билан тараққиёт сари // Тиббиёт ва замон, 2021 йил 5-сон. – Б. 8; Қодиров М. Соғлом аёл-соғлом жамият // Фарғона шифокори, 2021 йил 7-сон. – Б. 6 ва бошқалар.

катта ҳисса қўшган таниқли олималар билан бир қаторда кичик бир кишлоқ ҳамшираси ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Айниқса, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”, “Сиҳат-саломатлик”, “Тиббиёт ва замон”, “Тиббиётнома”, “Фарғона шифокори” каби даврий нашр саҳифаларида тиббиёт ходимлари орасидаги хотин-қизлар фаолиятига бағишланган мақолалар бериб борилди.

Бошқа соҳалар қатори бу даврда тиббиёт соҳасининг турли йўналишларини ўрганишга бағишланган рисола ва монографиялар ҳам нашр этилди. Муаллифлар соҳада рўй бераётган воқеа ходисаларни холисона ёритишга ҳаракат қилганлар³. Жумладан, А.Қодиров, П.Рустамов, М.Маҳмудов, И.Хўжаев, Р.Аҳмедов, Н.Наимов, Ш.Искандарова, И.Расулова, Ш.Умаровалар ўз изланишларида Ўзбекистон тиббиёт соҳасининг турли даврлардаги ҳолатини тадқиқ этиб, муаммо юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилган. Бу борада, айниқса, А.Қодировнинг изланишлари диққатга сазовордир. Муаллиф Ўзбекистон тиббиёт тарихининг қадимги давридан ҳозирги замон шароитигача кечган жараёнларини таҳлил этишга ҳаракат қилди. М.Маҳмудов эса бевосита Ўзбекистонда тиббий кадрлар тайёрлаш муаммосини Тошкент тиббиёт Академияси Урганч филиали мисолида тадқиқ қилди. Муаллифнинг хизмати шундаки, ишда турли йилларда филиалда тайёрланган кадрлар сони динамикаси, бу борада хизмат қилган кишилар ҳақида бирламчи манбалар, яъни асосан таълим муассасасининг жорий архиви материаллари асосида маълумотлар беришга ҳаракат қилди.

Мавзу тарихшунослигида М.Каримованинг “Аёл яратган дунё” асари бевосита тадқиқот масаласига яқинлиги билан аҳамиятга эга. Муаллиф ўз асарида Ўзбекистон тиббиёти ва соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган хотин-қизлар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтади.

Шу жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат педиатрия институти ва Андижон давлат тиббиёт институтлари тарихига бағишланган асарларда ҳам хотин-қизларнинг тиббий кадрлар тайёрлаш ва тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси таълим муассасаларининг жорий архиви материаллари ҳамда оғзаки тарих усули ёрдамида ёритиб берилади.

³ Мажидов В. Юқумли касалликлар. – Тошкент: Ибн Сино, 1993. – 472 б.; Қодиров А.А. Тиббиёт тарихи. – Тошкент: Ибн Сино, 1993. – 223 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон тиббиёти тарихи. – Тошкент: Ибн Сино, 2004. – 234 б.; Рустамов П.Н. Нурли маскан. Қарши тиббиёт билим юрти тарихидан. – Қарши: Насаф, 1996. – 271 б.; Альманах Второго ТашГосМИ 1990-2000. – Ташкент, 2000. – 196 б.; Маҳмудов М. Хоразмда шифокорлар тайёрлаш маркази. Қисқа тарихий очерк. – Тошкент, 2005. – 341 б.; Каримова М. Аёл яратган дунё. I китоб. – Тошкент: “Шарк”, 2005. 464 б.; Самарқанд тиббиёти тарихи. I-II китоблар. Н.И.Хўжаев таҳрири остида. – Ташкент: Фан, 2007. – 432 б.; Аҳмедов Р.М., Наимов Н. Бухоро тиббиёти тарихи. – Бухоро, 2009. – 349 б.; Искандарова Ш.Т., Расулова И.Ф. Тиббиёт тарихи. – Тошкент, 2012. – 156 б.; Темирова С. Юқумли касалликлар. – Тошкент: Адолат учкунлари, 2014. – 152 б.; Андижон давлат тиббиёт институти. Шонли тарих ва нурли истиқбол. – Андижон, 2015. – 358 б.; Умарова Ш.З. Фармацевтика ишини ташкил қилиш. – Тошкент, 2019. – 172 б.; Қашқадарё тиббиёти фидойилари. Нашрга тайёрловчилар: А.Акбаров, Д.Турсунов, Ш.Ашурова, Ш.Қодиров. – Қарши: “Қашқадарё кўзгуси ОАВ”, 2019. – 394 б.; Тошкент тиббиёт академиясига 100 йил. Нашрга тайёрловчилар: О.Муртазаев, Т.Бобомуратов. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2021. – 538 б.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси тарихига доир диссертация ишларининг кўлами кенгайиб борди⁴. Бу мавзу Ўзбекистон тарихининг асосий йўналишларидан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди. Г.Мўминова, С.Жуманов, М.Маҳмудова, Б.Тошпўлатов кабиларнинг тадқиқот ишларида, қисман бўлса-да, соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларнинг ўрни масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу борада айниқса М.Маҳмудова ва Б.Тошпўлатовнинг диссертация ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқотчилар бевосита бизнинг тадқиқотимизга алоқадор тарихий жараёнларга, қисман бўлса-да, тўхталиб ўтган. Аммо шу кунга қадар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни яхлит тадқиқот объекти сифатида танлаб олинмаган.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласи ижтимоий соҳа вакиллари томонидан ҳам ўрганилди⁵. Муаллифлар ўз тадқиқотларида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, гендер тенглик муаммоси, соғлом авлод тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни масалаларини тадқиқ этишга уринган. Ушбу ишларда қисман бўлсада, тиббиёт соҳасидаги аёллар фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мавзу тарихшунослигининг иккинчи гуруҳига хорижий нашрлар киритилиб, уларда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасининг турли муаммолари хусусида фикр юритилади. Уларнинг кўпчилигида болалар саломатлиги ва бунда тиббиёт ходимларининг роли масалалари ҳам тадқиқ этилади⁶. Шунингдек,

⁴ Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар): Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018; Жуманов С.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими асосий йўналишларининг ривожланиши тарихи (1991-2015 йй.). Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 52 б.; Маҳмудова М.М. Ўзбекистонда тиббиётнинг терапия йўналиши: ҳолати, ўзгаришлар ва муаммолар (1917-2017 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. Тошпўлатов Б. Ўзбекистонда тиббий таълим соҳасининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши (1917-2021 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021.

⁵ Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. – 215 б.; Муравьёва Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004. – 121 б.; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан. ном. дис... автореферати. – Тошкент, 2002; Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве.: Автореф. Дис... док. юрид.наук. – Тошкент, 2002. – 41 б.; Ахророва С. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2005. – 152 б.; Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 2004. – 161 б.; Хусейнова А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари док. дисс... – Тошкент, 2011. – 300 б.; Гаффорова М. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс... автореферати. – Тошкент, 2018. – 44 б. Аннаева Н. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти (Ўзбекистон мисолида). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – 151 б.

⁶ Матвеева Н.М. История становления и развития системы здравоохранения и формирования медицинской интеллигенции Бурятии: 1923-1991 гг. Автореф. дисс. канд. ист. наук. 2004; Горбачева А. Детские и недетские проблемы // Независимая газета, 2006, 10 февраль; Carmen C., Turner B., Mus. Contemporary Mothering in a Diverse Society. 2006, Pages 671-678; Хильмончик Н.Е. Роль среднего медицинского персонала в охране здоровья населения Белоруссии (1795-2006 гг.). Автореф.дисс. канд. мед. наук. – М., 2007; Daphne E. Glaun & Patricia F. Brown. Motherhood, intellectual disability and child protection: Characteristics of a court sample. – P. 95-105 | Publishedonline: 2009; Маргукова С.М. История медицины в современном образовании // Историко-биологические исследования, 2011. – № 1. – С. 78-89; Григорьева Н.С., Чубарова Т.В. Современное здравоохранение: политика, экономика, управление. – М., Авторская академия, 2013; Jargin S.V. Some Aspects of Medical Education in Russia // American Journal of Medicine Studies, 2013; Christopher Markosian, Shant Shekherdimian, Samuel S. Badalian, Lorky Libaridian, Ani Jilozian, Aline Baghdassarian. Medical Education in the Former Soviet Union: Opportunities in Armenia // Ann Glob Health. 2020; 86(1): 99. Published online 2020 Aug 13. doi: 10.5334 / aogh.2960.

муаллифлар изланишларида замонавий соғлиқни сақлаш тизими ва унда аёллар муаммосига ҳам тўхталиб ўтишга ҳаракат қилган.

Умуман олганда, жаҳонда бугунги кунда тиббиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли кундан-кунга ортиб бормоқда. Бевосита хориж адабиётларида Марказий Осиё минтақасида соғлиқни сақлаш соҳасини ўрганишга доир маълумотлар ҳам учрайди⁷:

Хуллас, мавзу тарихшунослигининг қисқача шарҳи шундан далolat берадики, шу кунга қадар Ўзбекистон тиббиёти ривожиди хотин-қизларнинг роли масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида танлаб олинмаган ва бу бўйича монография, диссертация ишлари ҳимоя қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни билан боғлиқ тарихий жараёнларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва бунда хотин-қизларнинг ўрнини асослаш;

юқумли касалликларга қарши кураш ва эпидемиология фанини ривожлантиришга хотин-қизларнинг қўшган ҳиссасини ёритиб бериш;

Ўзбекистонда педиатрия соҳаси ва фанини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини кўрсатиб бериш;

тиббиётнинг акушер-гинекология йўналишини йўлга қўйишда хотин-қизларнинг ўрнини очиб бериш;

тиббий таълим тизимида фаолият кўрсатган хотин-қизлар ва уларнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқларини ёритиб бериш;

ўрта тиббиёт ходимларининг соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни масалалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, юқумли касалликларга қарши кураш ва эпидемиология фанини, педиатрия соҳаси ва фанини, тиббиётнинг акушер-гинекология йўналишини йўлга қўйишда, тиббий таълим тизимини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни масалалари ташкил этади.

⁷ An article on the Turkish history of medicine by the Central Asian writers. Bayat AH. Yeni Tıp Tarihi Arastirmalari. 1995, 1:140 7; Curative Powers: Medicine and Empire in Stalin s Central Asia. Pauia A. Michaeis, University of Pittsburgh Press, 2003.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда холислик, кетма-кетлилик, тарихийлик тамойили, хронологик, қиёсий таҳлил, оғзаки тарих усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиббиёт институтлари фаолият кўрсатган Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарлар даволаш муассасаларида аёл шифокорлар улушининг юқорилиги, Қарши Термиз, Гулистон, Жиззах тиббиёт кадрлари сафида хотин-қизларнинг озчиллиги ўз ўрнида бу ҳудудларда оналар, болалар касалликлари ва ўлими кўрсаткичининг йилдан-йилга ўсиб боришига таъсир кўрсатганлиги далилланган;

Ўзбекистонда тиббий кадрлар масаласида гендер тенглик бўйича олиб борилган (*хотин-қиз тиббиёт ходимлари иш шароитини яхшилаш, уларни илм-фан билан шуғулланишларида яратилган шарт-шароитлар*) сиёсат туфайли мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари рейтингда олдинги ўринлардан бирини эгаллаганлиги, ЖССТнинг минтақа доирасидаги фаолиятида ўзбекистонлик аёлларнинг етакчилиги ва бу борадаги тажрибанинг бошқа давлатлардаги (*илмий анжуманларда ва бошқа халқаро йиғинларда уларни ютуқларининг қайд этилиши*) тарғиботи очиб берилган;

1991-2016 йиллари Ўзбекистонда тиббиётнинг *педиатрия, акушер-гинекология, неврология, гигиена* йўналишлари бўйича хотин-қизлар томонидан шакллантирилган илмий мактаблар фаолиятини кенгайтиришдаги муаммолар (дастлаб тиббиёт йўналиши илмий муассасаларнинг моддий-техника базасининг ночорлиги, олима аёлларнинг етарли даражада рағбатлантирилмаганлиги, улар учун ажратилган докторантура ўринларининг камлиги) аниқланган;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларда хотин-қизлар салмоғининг ўсиб бориш динамикаси Ўзбекистон даволаш муассасалари мисолида шакллантирилиб, натижада болалар ўртасида ичбуруғ, вирусли гепатит, қизамиқ касалликлари кўрсаткичларининг пасайишига эришилганлиги, хотин-қизларнинг тиббиёт йўналиши илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси сўнгги йилларда бир неча баробарга ўсганлиги, бу аввало, давлат томонидан илмий кадрлар тайёрлаш ва олималарни қўллаб-қувватлаш тадбирларининг кучайтирилиши билан боғлиқ бўлганлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришда аввало хотин-қизларнинг ўрни билан боғлиқ тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, Республика олимлари ҳамда хорижий илмий марказлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, бу соҳада жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва тарғиб этиш, хотин-қизларнинг тиббиётнинг турли соҳаларидаги ўрни, уларнинг соҳада амалга оширилаётган ислохотларга қўшаётган ҳиссаси, тиббиётнинг илм-фан йўналишидаги фаолиятини кенгайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тиббиёт соҳаси тарихига оид архив ҳужжатлари, расмий ҳисоботлар ва даврий матбуот материалларини аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида хотин-қизлар ўрнининг назарий-услубий жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Мазкур тадқиқотда қўйилган масалалар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг шаклланиши ва фаолиятига доир архив ҳужжатлари, жумладан, Республика давлат архив фондларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари асосида ёзилгани, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар орасида суҳбатлар ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси тарихига доир тадқиқот усуллари ва тиббиёт соҳаси тарихига доир маълумотларни бойитишга ҳамда ўрганишга оид назарий хулосалар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларнинг ўрни, муаммолари тарихий нуқтаи назардан ҳолисона таҳлил қилинганлиги, хулоса ва таклифлардан тиббиёт тарихи соҳаси билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлашда ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига доир давлат дастурларини ишлаб чиқишда бевосита қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон тиббиётини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрнига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида гендер тенглик бўйича олиб борилган оқилона давлат сиёсати туфайли Марказий Осиё давлатлари рейтингда Республиканинг олдинги ўринлардан бирини эгаллаганлиги, ЖССТнинг минтақа доирасидаги фаолиятида ўзбекистонлик аёлларнинг етакчилиги ва бу борадаги тажрибанинг бошқа давлатлардаги тарғиботи каби якуний хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2021 йил 9 апрелда эфирга узатилган “Такдимот” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 9 апрелдаги 02-48-534-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда хотин-қизларнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлигини очиб беришга хизмат қилган;

тиббиёт институтлари фаолият кўрсатган Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарлар даволаш муассасаларида аёл шифокорлар улушининг юқорилиги, аксинча Қарши Термиз, Гулистон, Жиззах тиббиёт кадрлари сафида хотин-қизлар озчилиги ўз ўрнида бу ҳудудларда оналар ва болалар касалликлари ва ўлими кўрсаткичининг йилдан-йилга ўсиб боришига салбий таъсир кўрсатиши тиббиётнинг *педиатрия, акушер-гинекология, неврология, гигиена* йўналишлари бўйича хотин-қизлар томонидан шакллантирилган илмий

мактаблар фаолияти каби илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти хотин-қизлар кенгашининг 2020-2021, 2021-2022 ўқув йиллар тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ва ҳамда билим юртининг маданият марказида 2022 йил 14 февралда ўтказилган “Ҳарбий тиббиётда аёлларнинг ўрни”, 2022 йил 26 мартда ўтказилган “Хотин-қизлар ва тиббиёт” мавзусидаги давра суҳбати ва тадбирларида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 15 августдаги 10/1446-сон маълумотномаси). Бу эса Ўз Р олий ҳарбий авиация билим юрти хотин-қизлари кенгаши режасига аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид тадбирларни киритиш ҳамда ҳарбий тиббиётни ривожлантиришда хотин-қиз тиббиёт ходимларининг ўрнини асослаб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва уларнинг натижаларини асослаш, юқумли касалликларга қарши кураш ва эпидемиология фанини ривожлантиришга хотин-қизларнинг ролини кўрсатиб бериш, Ўзбекистонда педиатрия соҳаси ва фанини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини кўрсатиб бериш, тиббиётнинг акушер-гинекология йўналишини йўлга қўйишда хотин-қизларнинг ўрнини очиб беришда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан (гувоҳнома №237-125) нашр этилган Г.Мўминованинг “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилди (Ўз Р ОЎМТВ Қарши ДУнинг 2022 йил 05 майдаги 04/1924-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” ўқув қўлланмасининг “Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий ўзгаришлар”, “Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий ва маданий тараққиёт” мавзуларидаги бўлимларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-назарий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 18 та нашр қилинган ишларда, жумладан, ОАК рўйхатидан ўрин олган республика, шунингдек, хориж журналларида чоп этилган 4 та мақола ҳамда 14 та илмий тўплам ва конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матнининг тадқиқот қисми 142 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинади. Диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилади. Шунингдек, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ислоҳотларида хотин-қизларнинг ўрни”** деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфи* соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларини амалга оширишда хотин-қизларнинг тутган ўрнини ёритиб беришга бағишланган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги бошқарув тизимида, соҳанинг турли йўналишларида, хусусан, педиатрия, акушер-гинекология, терапия, лор, неврология каби соҳаларида фаол иштирок этди. Қолаверса, хотин-қизлар тиббиёт бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан бўлган ҳамкорлигида ҳам асосий ўринда турди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси ислоҳотлари бир неча босқичларда амалга оширилди. Хусусан, 1990-1998 йиллар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели асосларини йўлга қўйиш босқичи, 1998-2005 йилларда “Таркибий ислоҳотлар босқичи”, 2005-2015 йиллар “Таркибий ислоҳотларни янада ривожлантириш” босқичида соҳа бошқарув тизими ва унинг ҳуқуқий асослари замон талаблари асосида янада такомиллаштирилди⁸. Соғлиқни сақлаш соҳаси ислоҳотларида 2016-2021 йиллар, яъни Янги Ўзбекистон тараққиёт даври муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу давр тиббиётга тиббий суғурта, рақамли тиббиёт, хориж тажрибаси ва асбоб-ускуналарининг жадал кириб келиши билан характерланиб, давлат дастурларида бу соҳага алоҳида бандлар ажратилиши билан характерланади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврида тиббиёт ходимларининг катта қисмини, шифокорларнинг 65 фоизини хотин-қизлар ташкил этди⁹. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, тиббиётнинг сўнгги янгиликларини эгаллаган ҳамда уларни амалиётда қўллай оладиган хотин-қизлардан иборат тиббиёт кадрлари салмоғи ошиб борди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасининг қатор масъулиятли лавозимларида хотин-қизлар фаолият кўрсатди. Малика Абдуллаҳўжаева (ЖССТнинг илмий маслаҳатчиси, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти), Элмира Боситхонова (Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси), Умида Газиева (ССВининг Даволаш-профилактика ёрдамани ташкиллаштириш Бош бошқармаси бош мутахассиси), Флора Иноятова (Республика гепатология илмий бўлими раҳбари), Тамарахон Арипова

⁸ Миразимов Д.Б. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: асосий йўналишлар ва босқичлар // Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, 2010 йил 3-4 сон. – Б. 23.

⁹Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 52-варақ.

(Иммунология ва геномика институти директори), Дилором Тошмухаммедова (Республика Оила илмий-амалий маркази директори), Орал Атаниязова (Қорақалпоғистон тиббиёт институти), Мақсуда Ворисова (Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати) шулар жумласидандир. Хусусан, Малика Абдуллахўжаева соғлиқни сақлаш соҳасига кўрсатган хизмати учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини қўлга киритди. У ЎзФАси академиги, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти ҳам эди¹⁰.

Жаҳонда тарқалган коронавирус инфекциясига қарши курашишда тиббиёт ходимлари фидойилик кўрсатди. Республикада ўз касбига садоқат билан тинмай меҳнат қилган шифокорлар, ҳамширалар кўпчиликни ташкил этди. Республикада коронавирус пандемияси юзага келган шароитда хотин-қиз тиббиёт ходимларининг хизмати жуда катта бўлди¹¹. Афсуски, коронавирус пандемияси даврида бу касалликка қарши курашган кўплаб тиббиёт ходимлари вафот этди. Жумладан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали неврология бўлимининг катта ҳамшираси Зульфия Джуманиязова коронавирус инфекциясига қарши кураш жараёнида вафот этди. Кўрсатган жасорати учун вафотидан сўнг, “Жасорат” медали билан тақдирланди¹². Шунингдек, ҳамшира Малика Қулжанова ҳам бу борадаги хизматлари учун “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Ўзбекистонда онкология соҳасида хотин-қизлар етакчилик қилдилар. Жамила Пўлатова, Наргиза Закирова, Елена Бойко, Камила Израильбекова, Лола Алимходжаева, Наргиза Каримова кабилар инсонда учрайдиган хавфли ўсма касалликларини эрта аниқлаш, аҳолини онкологик хушёрлигини ошириш борасида илмий-амалий ишларни олиб бордилар. Бунда Жамила Пўлатова онкология соҳаси ривожига онко-мактаб яратиш ғояси билан танилди. Бу ғоя Ўзбекистонда пандемия сабаб карантин даврида, онкология соҳасида юқори малакали кадрларнинг танқислигига, хорижда даволаниш ва чет элдан мутахассисларни таклиф қилиш имкони мавжуд бўлмаганда пайдо бўлди. Ж.Пўлатова Ўзбекистон бўйича шифокор хотин-қизлар орасида ягона аёл ортопед-онколог бўлиб ҳисобланади¹³.

Тиббиёт соҳасидаги ислохотларда сил касалликларига қарши кураш тадбирлари марказий ўринларидан бирини эгаллади. Ўзбекистонда 2011 йили “2012-2015 йилларга белгиланган силнинг резистент турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида янгиланган миллий режа”си ишлаб чиқилди¹⁴. Шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида фтизиатрия¹⁵ мутахассислиги бўйича уч ярим ойлик ихтисослаштириш курслар ташкил

¹⁰Зоҳидий А., Мирзаева Г. Тиббиётнинг серкирра олимаси // Тиббиётнома, 2021 йил 23 февраль. – №2.

¹¹Сидиков А. Унинг ҳар бир куни қаҳрамонликдир // O‘zbekistonda sog‘liqni saqlash, 2020. – №25-26. – Б. 6.

¹²Абибуллаев Д. Машаққатли меҳнати йўлида жонини фидо қилди // O‘zbekistonda sog‘liqni saqlash, 2020. – №9. – Б. 3.

¹³ Муаллифнинг шахсий мулоқоти материаллари. Жамила Пўлатова билан суҳбат. Тошкент шаҳри, 2021 йил, август.

¹⁴ НА НТМД Уз, фонд М-372, опись 1, дело 612, лист 21.

¹⁵ Фтизиатрия-грекча, фтизио-толиқиш, атрия-даволаш.

этилди¹⁶. Республиканинг ҳар бир вилояти фтизитор ва пульмонологлари орасида хотин-қизлар фаолият кўрсатди ва сил касаллигини даволаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшди. Фотима Тошпўлатова ана шундай шифокорлардан бири бўлди¹⁷. У сил касаллигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борди. Фарғона сил касалликлари диспансери 2-ўпка даволаш бўлими мудирини Эъзозхон Ғуломова ҳам шу соҳада фаолият кўрсатди¹⁸. ЖССТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигида сил касаллигини олдини олиш ва уларга қарши кураш асосий ўринлардан бирини эгаллади. Наргиза Парпиева, Екатерина Тухтаева ва бошқалар бу соҳада сермахсул фаолият кўрсатди¹⁹.

Кардиология соҳасида ҳам хотин-қиз шифокорлар кўпгина ижобий натижаларга эришди. Наргиза Нуриллаева, Нисо Турдиева, Гулноз Ҳамидуллаевалар бу борада мамлакатимизда анча танилди.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси ислохотларига давлат томонидан жиддий эътибор қаратилиб, жараён бир неча босқичда амалга оширилди. Албатта, бу тарихий жараёнда хотин-қиз тиббиёт ходимлари етакчи ўринларда турди. ЖССТнинг Марказий Осиё бўйича илк эксперти ҳам ўзбек аёли бўлди. Ўзбекистонда онкология соҳаси ривожига онко-мактаб яратиш ғояси хотин-қизлар томонидан эришилган ютуқларга сабаб бўлди.

Биринчи бобнинг *иккинчи параграфида* юқумли касалликларга қарши кураш ва эпидемиология фанини ривожлантиришга хотин-қизларнинг қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида соғлиқни сақлаш тизимида даволаш муассасалари ўринлари кескин қисқарди. Асосан шаҳар, юқумли касалликлар, қишлоқ участка шифохонаси ва бошқа ихтисослашган даволаш муассасалари тугатилиб, умуман даволаш ўринлари 1,5-3 мартага камайди²⁰. Бу эса ўз ўрнида юқумли касалликларга қарши кураш ишига таъсирини кўрсатди. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бири бўлди. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида тизимда 4 та илмий-тадқиқот институти, 200 дан ортиқ давлат санитария-эпидемиологик назорат марказлари фаолият кўрсатди²¹. Албатта, бу даволаш муассасаларида хотин-қиз тиббиёт ходимлари катта роль ўйнади. Шундай фидойи шифокорлардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси Муборахон Аҳмедова эди²².

¹⁶ Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 44-варак.

¹⁷ Тошкент давлат педиатрия институти. Альманах. – Тошкент, 2012. – Б. 187.

¹⁸ Абдужабборов И. Эъзозхон Ғуломова: Асосий мақсадимиз касалликни эрта аниқлаб, уни даволаш // Фарғона шифокори, 2021. – № 11. – Б. 4.

¹⁹ Массавиров Ш.Ш. “Туберкулёз глобал муаммо” мавзусидаги интеграцион маъруза // Tibbiyotnoma, 2015 yil. – № 5 may.

²⁰ Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 1382-иш, 8-варак.

²¹ Аҳмедова К. Улкан шижоат билан тобора илгарилаб борамиз // Sihat-salamatlik, 2019. – №11.

²² Каримова М., Анваров Ш. Сахий қалб соҳибини // Tibbiyotnoma, 2017 yil, 26 sentyabr. – № 9.

Тошкент вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори Гулжаҳон Юлдашева ҳам республикада юқумли касалликларга қарши кураш тадбирларининг асосий иштирокчиларидан бири бўлди²³. Наиля Дадабаева етук олима ва амалиётчи сифатида юқумли касалликлар бўйича ўзига хос илмий-амалий мактабни ташкил қилди²⁴.

Ўзбекистонда болалар ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалишига қарши кураш ишларини ривожлантиришда Тошкент давлат педиатрия институтининг алоҳида ўринга эга. 1972 йили Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти очилиб²⁵, унинг таркибида болалар юқумли касалликлари кафедраси ташкил этилди. Институтда Ж.Эгамбердиева, А.Харатова, С.Мухамедбабаева, Л.Махмудова, Р.Моргунова, А.Кузьмина, С.Даминова, В.Артикова, Д.Даминова, Х.Ибрагимова, М.Даминова, Р.Сагирова, З.Фазилова, Г.Зокирхўжаева, Р.Мударисова, Ш.Махкамова, С.Умарова, И.Асқарова, Н.Слободская, О.Кадирова ва бошқалар фаолият кўрсатди²⁶. Ш.Шомансурова, Г.Шарапова, Е.Осипова, Д.Атамухамедова, Б.Бўрибаева, А.Хайруллиналар эса институт илмий лойиҳаларида фаол иштирок этди²⁷.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хотин-қиз ходимлари ҳам юқумли касалликларга қарши кураш ва турли эпидемияларнинг сабаб, омилларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб боришди. Бунда Гулноза Искандарова алоҳида ўринга эга. 2000 йили “Янги пестицид ХС-2 ни токсикологик баҳолаш ва атроф-муҳит объектларидан гигиеник жиҳатдан меъёрлаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди²⁸.

Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши кураш ва эпидемиология фанини ривожлантиришда Вирусология илмий текшириш институтининг ўрни каттадир. Вирусология илмий текшириш институтининг кўпчилик раҳбарлари асосан аёллардан иборат бўлди. Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Азиза Ҳикматуллаева, институт клиникасининг бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилова, грант раҳбари, тиббиёт фанлари доктори М.Абдукодирова, халқаро ҳамкорлик бўлими раҳбари Ш.Садирова эди. Шунингдек, институтдаги мавжуд бўлимлар асосан хотин-қизлар томонидан бошқарилди. Институтнинг турли бўлимларида Дилдора Жўраева, Наргиза Абидова, Холида Оқназарова, Бибиҳаво Анарбаева каби малакали шифокорлар ҳам фаолият кўрсатди²⁹.

Институт қошида Миллий грипп маркази фаолият кўрсатди. Марказ ходимлари орасида ҳам аёллар кўпчиликни ташкил этди. Масалан, клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилова, ўткир диарея бўлими мудири Насиба Муҳаммедова, Вазира Каримжонова, Ҳушнур Саидгазиева,

²³Турдибоева В. Вирусли инфекциялар: химояланиш йўллари биламизми? // Sihat-salomatlik, 2019 йил 2-сон.

²⁴Нуриддинова Н., Шоалимова З. Буюк мақсадлар билан яшаш саодати // Tibbiyotnoma, 2019 yil, 29 oktyabr. – № 10.

²⁵Ўз МА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 2126-иш, 424-варак.

²⁶Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти жорий архиви.

²⁷Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти жорий архиви материаллари.

²⁸Муаллифнинг шахсий мулоқоти материаллари, Г.Искандарова билан суҳбат. Тошкент шаҳри, 2022 йил январь.

²⁹Вирусология илмий текшириш институти жорий архиви материаллари.

Зилола Алимовалар касаллик профилактикасига оид илмий изланишлар олиб борди³⁰. Улар грипп ва бошқа вирусли инфекциялар масалаларида халқаро конференция ва кенгашларда доимий иштирок этиб турди.

Юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли 1995 йилдан полиомиелит касаллиги билан рўйхатга олинганлар бўлмади. Натижада Ўзбекистон 2002 йили полиомиелитдан озод бўлган ҳудуд сертификатини қўлга киритди. 2002 йилдан дифтерия касаллиги рўйхатга олинмади³¹.

Хуллас, юқумли касалликларга қарши кураш тадбирларида ҳам хотин-қиз тиббиёт ходимлари фаол иштирок этди. Ўзбекистонда юқумли касалликларни даволаш муассасаларининг ҳар бирида элга танилган шифокор аёллар фаолият кўрсатди. Хотин-қизларимиз бу борада нафақат амалиётда, балки фанда ҳам ўзига хос ўринни эгаллаб, улар томонидан юқумли касалликлар мавзусидаги илмий мактаблар фаолияти йўлга қўйилди ва иқтидорли шогирдлар тайёрланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда педиатрия ва акушер-гинекология соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни”** деб номланиб, унинг *биринчи параграфид*а педиатрия соҳаси ва фанини ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли кўрсатиб берилган.

Тарихдан маълумки, оилада ва болалар тарбияси ҳамда уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда аёллар доимо ҳал қилувчи ўринда турган. Шу боис, жаҳонда болалар шифокорларининг аксарияти хотин-қизлардан иборат. Болалар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг ривожланиш босқичлари, боланинг жисмоний ҳолатида касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усуллари аёллар томонидан она сифатида ҳам кучли аниқланган. Ўзбекистонда педиатрия соҳасини йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласига мустақиллик йилларида жиддий эътибор қаратилиб, бу жараёнда хотин-қиз тиббиёт ходимлари муҳим ўринлардан бирини эгаллади. Тадқиқотлар натижасидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда педиатрия соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар сони йилдан-йилга ўзгариб борди. Жумладан, Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра, уларнинг сони 2007 йили 10,5 минг нафарни, 2010 йили 9,7 минг нафарни, 2012 йили 8,8 минг нафарни, 2015 йили 7 минг нафарни, 2016 йилда 6,5 минг нафарни, 2019 йилда 6,1 минг нафарни ташкил этди. Демак, таҳлиллардан аёнки, педиатрлар сони йилдан-йилга кўпайиб эмас, аксинча, пасайиб борган. Ҳолбуки, республикада болалар сони йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, 1995 йили Ўзбекистон аҳолиси 22 млндан зиёд бўлиб, шундан 9 млн.ни 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этди. 2017 йили ҳам бу рақам деярли ўзгаришсиз қолди. Зотан, республика аҳолиси шу йили 32 млн.дан зиёд бўлиб, болалар сони 9 млн. атрофида бўлди³².

³⁰Муҳаммадиева М. Аниқ ташхис, замонавий даво ва ижобий натижалар // Sihat-salomatlik, 2019 йил 4-сон.

³¹Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 756-иш, 123-варақ.

³²Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2019. – Б. 56. (210)

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Соғлом авлод давлат дастури ишлаб чиқилиб, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси ҳам ташкил этилди. Бу халқаро нодавлат хайрия жамғармаси таркибида бир қатор хотин-қизлар фаол иштирок этди. Жамғарманинг Тошкент вилоят бўлими “Силоам” (АҚШ) клиникаси мутахассислари билан ҳамкорликда “Соғлом онадан – соғлом бола” танлови ўтказилиб, бу танлов анъанавий тусга кирди. Танловда ҳар йили 100 дан зиёд аёллар иштирок этди. Шунингдек, “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташаббуси билан болалар уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбирлари доимий ўтказилиб келинди³³.

“Соғлом авлод учун” жамғармасининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди³⁴. Ушбу Қарор бу борадаги ишларни янада яхшилаш имконини берди. Патронаж тизимида эса асосан хотин-қизлар фаолият кўрсатди.

Педиатрия фанини ривожлантиришга Зухра Умарова, Сайёра Алтибаева, Роза Джубатова, Дилором Аҳмедова, Ақида Муродхўжаева, Мухтабар Маҳмаджонова каби олималар катта ҳисса қўшдилар. Шулардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Зухра Умарова бўлиб, у Тошкент педиатрия институти таркибидаги “Шошилинич педиатрия” кафедрасига 1992-2003 йиллари раҳбарлик қилди. Кафедрада у билан бирга Ф.Валиева, Р.Қабуллова каби олималар ҳам фаолият кўрсатдилар³⁵. Сайёра Алтибаева болаларда кўп тарқалган касалликларни даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот иши олиб бориб, педиатрия фанининг ривожланишида катта ҳисса қўшди³⁶.

Ўзбекистонда педиатрия фани ва соҳасини ривожлантиришда Бухоро давлат тиббиёт институти Умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедраси мудирини, профессор Нодира Шарипованинг илмий-амалий фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. У жаҳоннинг машҳур клиникаларида, жумладан, 1990 йилда Санкт-Петербург Тиббиёт Академиясида, 1998 йил Лондон Қироллик тиббиёт коллежида, 2000 йилда Нью-Йорк шаҳри клиникаларида ўз малакасини оширди³⁷.

Ўзбекистонда педиатр шифокор олималардан Ольга Самойлова, Гулнора Юсупалиева, Лола Алимова, Элмира Шамансурова, Назива Агзамова, Лобар Расулова, Васида Абдуллаева, Фотима Тошпўлатова, Гулчехра Содикова, Мадина Шарипова, Марғуба Расулова, Шаҳноза Зуфарова, Шаҳноза Искандарова кабилар болалар ўртасида учрайдиган турли касалликларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш, даволаш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, амалий жиҳатдан муайян натижаларга эришдилар.

³³Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг идоровий архиви.

³⁴Ўзбекистон Миллий архиви, 37-фонд, 1-рўйхат, 2569-иш, 22-варак.

³⁵Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жорий архиви. 2000-2003 йиллар ҳисоботлари папкасида.

³⁶Тошкент педиатрия тиббиёт институти жорий архиви. Институтнинг кутубхона фонди материаллари.

³⁷Қаримова М. Аёл яратган дунё. I китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2005. – Б. 161-162.

Хуллас, аҳоли табақалари орасида болалар кўпчиликини ташкил этиб, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш соҳасининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳани йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришда аёл шифокорлар муҳим ўринда турди. Улар ўз фаолиятларида фан ва амалиётни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилганлиги намоён бўлди. Олималар болаларни даволаш билан бирга педиатрия фанининг қатор долзарб муаммолари билан ҳам шуғулланиб, муайян ижобий натижаларга эришди.

Иккинчи бобнинг *иккинчи параграфида* акушер-гинекология йўналишини йўлга қўйишда хотин-қизларнинг ўрни таҳлил этилади.

1991 йилда Ўзбекистонда доимий яшовчи аҳолининг 50,6 фоизини аёллар ташкил этди³⁸. Ўз навбатида, уларнинг саломатлиги масаласи алоҳида эътиборни талаб этди. 1995 йилда эса, республика аҳолиси 23 млн.дан зиёд бўлиб, шундан 11 млн.дан ортигини аёллар ташкил этди³⁹. 2019 йилда республиканинг умумий аҳолиси сони 33 млн.дан зиёдни ташкил этган бўлиб, аёллар эса 16 млн.дан ортиқ бўлди⁴⁰. Бу эса, ўз ўрнида Ўзбекистонда акушер-гинекологлар сонини кўпайтиришга асос бўлди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида акушер-гинекологлар сони ўзгарувчанлиги қайд этилади. Давлат статистика қўмитаси маълумотиغا кўра, улар 2007 йилда 6 мингта, 2012 йилда 5,8 мингта, 2019 йилда 5,7 мингтани ташкил этди⁴¹.

Демак, ушбу жараёнда ҳам гинекологлар, ҳам акушерлар хизмати муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда аёллар касалликлари профилактикаси, бепуштликни даволаш, аёллар ўртасидаги кўкрак ва бачадон саратонини даволаш ва бу касалликларга қарши кураш тадбирларида хотин-қиз тиббиёт ходимлари асосий роль ўйнади.

Қишлоқ шароитида аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларида асосан ҚВП⁴²лар муҳим роль ўйнади. Ўзбекистонда 2012 йили 3189 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳар бирида эл орасида ўзининг хизмати билан танилган аёл тиббиёт ходимлари фидокорона меҳнат қилди⁴³. Масалан, Андижон вилоятининг Избоскан тумани Лўғимбек ҚВПда О.Аҳмаджонова, Хўжобод тумани Кўтарма ҚВПда Б.Абдурахмонова, Ибн Сино ҚВПда С.Эргашева, Шувоқзор ҚВПда О.Раҳимова, Олақанот ҚВПда Д.Умарова⁴⁴, Самарқанд вилоятининг Янгиариқ-1 ҚВПсида А.Хожиниёзова, Йўғонтепа ҚВПсида С.Тоғаева, Кумчук ҚВПсида М.Рустамова, Пастдарғом тумани Дўстлик ҚВПсида Д. Аллаёрова, Каттакўрғон тумани Қуштепа ҚВПсида У.Жуманова⁴⁵, Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ тумани Оққалъа ҚВПсида Б.Тажикова, Тентекарна ҚВПсида З. Илёсова, Кегейли

³⁸ Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами 1991-1998. – Тошкент, 1999. – Б. 67-75.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами 2004. – Тошкент, 2005. – Б. 45-55.

⁴⁰ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2019. – Б. 36.

⁴¹ data.gov.uz.

⁴² ҚВП-қишлоқ врачлик пункти.

⁴³ Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-руйхат, 816-иш, 79-варақ.

⁴⁴ Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-руйхат, 816-иш, 80-варақ.

⁴⁵ Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-руйхат, 816-иш, 50-варақ.

тумани Мингузар ҚВПсида Г.Сметова, Тазаталап ҚВПсида А.Камалова, Нукус тумани Кутанкўл ҚВПсида Д.Назимова, Нукус ҚВПсида С.Норбоева, Амударё тумани Маданият ҚВПсида К.Гулманова, Беруний тумани Бийбазар ҚВПсида Б.Ражабова, Чимбой тумани Тазгара ҚВПсида П.Ержанова, Хўжайли тумани Таза-база ҚВПсида К.Атамуратова каби тиббиёт ходимлари фаол меҳнат қилди⁴⁶.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳаридаги даволаш муассасаларида хотин-қизлар саломатлигини сақлаш ишларида муҳим роль ўйнаган фидойи шифокорлар эл назарига тушди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош акушер-гинекологи Нурия Туреева туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, бемор аёлларни исталмаган ҳомиладорликдан сақлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, оналар ва болалар соғлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби илмий-амалий ишларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Таҳлиллардан маълумки, Қорақалпоғистон Республикасида Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Хотин-қизлар ўртасидаги саломатлик даражаси Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан қониқарсиз деб баҳоланади. Бунга асосий сабаб, Оролбўйи муаммоларининг экотизимга салбий таъсири натижасида аёллар саломатлигида турли хавфли ўсма касалликлари, аллергия ва эндокрин тизимнинг бузилиши, шунингдек, генетик омиллар хавфлилигини исботи қарор топди. Нурия Туреева ҳудуддаги экологик вазият натижасида юзага келган хотин-қизлар саломатлиги муаммоларини босқичма-босқич бартараф этишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқди⁴⁷.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишларида хотин-қизлар етакчилиги қилди. Қашқадарё вилоятида акушер-гинекология соҳасида Ойдин Нурматова, Таскира Камолова, Лола Пирматова, Марям Маҳмудова, Мастура Жўраева, Саломат Қўлдошева, Шаҳноза Орипова, Дилбар Турдиева, Элнора Жуманазарова, Моҳигул Бахромова, Елена Драненко каби таниқли шифокорлар фаолият кўрсатди.

Акушер-гинеколог Моҳигул Бахромова Қашқадарё вилоятида акушерлик-гинекология соҳасини янада такомиллаштиришга, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва тизимидаги оилавий поликлиникаларда ижобий ўзгаришлар қилишга алоҳида эътибор берди. Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан илмий-амалий натижаларга эришди. Жумладан, Қашқадарё вилояти Скрининг марказида Моҳигул Бахромова раҳбарлигида 2018 йил 9 ой давомида 74918 нафар ТЎХК (туғруқ ёшидаги хотин-қизлар кўриги) аёллардан жами 74740 нафари, яъни 99,8% чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, 25527 нафар, яъни 34,1% аёлларда ҳар хил экстрагенитал касалликлар аниқланди ва 20462 нафар, яъни 80,2% аёллар соғломлаштирилди, шундан 1527 нафари, яъни 7,5% стационар

⁴⁶Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-руйхат, 816-иш, 50-79-варақлар.

⁴⁷ Каримова М. Аёл яратган дунё. I китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2005. – Б. 378.

ва 18935 нафари, яъни 92,5% амбулатор шароитида соғлиги тикланди. 2017 йил давомида 1 нафар оналар ўлими бўлиб, 2018 йил 9 ой давомида оналар ўлими содир бўлмади. 2017 йил 9 ой давомида болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш, ногирон туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш мақсадида 4190 нафар ҳисобга олинган ҳомиладордан, жами 3495 нафари УТТ текширувидан ўтказилгани қайд этилди.

Тиббиёт соҳасидаги қатор таниқли олима аёллар фан ва амалиётни бир-бирига уйғун ҳолда олиб боришга ҳаракат қилди. Ж.Азимова, С.Ашурова, М.Негматуллаева, Ж.Пахомова, С.Очилова, Д.Нажмутдинова, Г.Бабаджанова, Ф.Аюпова, Ю.Жабборова, Э.Султонова, Д.Собирова, М.Асатова, М.Маҳмудова, Р.Ходжибаева кабилар шулар жумласидандир.

Қашқадарёда хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишда ёш мутахассислар ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Қашқадарё перинатал маркази акушер-гинеколог, қолаверса, ёш олима Шахло Ярмадова туғруқ ёшидаги аёллар касалланишини профилактика қилиш ва уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, аҳоли орасида ҳомиладорлик ва туғиш оралиғини узайтириш борасида тушунтириш ишларини давом эттириш, аёлларни ҳомиладорлик ва туғишга зарур тайёргарликдан ўтказишга қаратилган қўшимча чоратадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Шахло Ярмадованинг маълумотига кўра, хотин-қизлар репродуктив саломатлигининг муҳим жиҳати гинекологик касалланишидир. Бу борада у Тошкент, Самарқанд, Бухорода ўтказилган республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда ўз маърузаси билан қатнашиб, гинекологик муаммоларнинг ечимини амалий асослаб берди⁴⁸.

Хуллас, Ўзбекистонда акушерлик ва гинекология соҳасини ривожлантиришда асосан хотин-қиз тиббиёт ходимлари муҳим роль ўйнади. Буни биз ҚВПлар, туғруқхоналар, олий таълим муассасаларининг ушбу йўналиши, акушер-гинекология илмий текшириш институтларининг хотин-қиз тиббиёт кадрлари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон тиббий таълим соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг иштироки”** деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфида тиббий таълим тизимида фаолият кўрсатган хотин-қизлар ва уларнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари ёритиб берилди.

Ўзбекистонда тиббий таълим тизимини ривожлантиришда ҳам хотин-қизлар етакчи ўринлардан бирида турди. Республикадаги бу турдаги таълим масканларида ўқитувчиларининг ҳам, ўқувчиларининг ҳам катта қисмини аёллар ташкил этади. Ўзбекистондаги тиббиёт билим юртиларида асосан, акушерлик иши, ҳамширалик иши, фармацевтика, ортопедия стоматология, даволаш иши йўналишлари фаолияти йўлга қўйилди⁴⁹. Тиббиёт билим юрти ўқитувчилари амалиётни фан билан узвийликда олиб бордилар. Хусусан, Самарқанд таянч тиббиёт билим юртида Н.Аллаёрова, Ф.Асқарова тиббиётнинг

⁴⁸ Муаллифнинг шахсий мулоқоти материаллари, Ш.Ярмадова билан суҳбат. Қарши шаҳри, 2020 йил, октябрь.

⁴⁹ Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат (давоми), 526-иш, 28-варак.

педиатрия ва акушер-гинекология йўналишлари бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, диссертация ишларини ҳимоя қилдилар. Мазкур таянч тиббиёт билим юртида 14 та кафедра фаолият кўрсатиб, уларда И.Каленова, Р.Ҳамраева, М.Чоршанбаева, А.Мусамуродова, Д.Тошева, Д.Юсупова, Д.Шарипова, Г.Облоқулова, М.Рахмонова, Ф.Одилова, Л.Турсунқулова, С.Садинова каби хотин-қизлар ўқувчиларга таълим-тарбия берди. Коллежда 20 га яқин дарслик ва 50 дан ортиқ ўқув қўлланма, 21 та ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ўрта махсус тиббий таълим муассасалари ўқувчиларининг 58 фоиздан ортиғи ҳамширалик иши йўналишида (58,1%) таҳсил олди⁵⁰.

Тиббиёт коллежларида фаолият кўрсатган педагогларнинг хизматлари давлат томонидан тақдирланиб борилди. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида Самарқанд таянч тиббиёт коллежида 1 нафар I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби, 1 нафар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, 4 нафар Соғлиқни сақлаш аълочиси, 3 нафар Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси, 6 нафар Халқ таълим аълочиси, 4 нафар “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги”, 1 нафар “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги” кўкрак нишони, тақдирланган ўқитувчилар бор эди. Д.Шарипова, Р.Алимова, У.Ҳамраева, Х.Ғаффарова, И.Макарова, Д.Юсупова, Г.Аблақулова, М.Баҳриддинова ва бошқалар шулар жумласидандир⁵¹.

Ўзбекистонда тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида аёллар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келганлигини Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат педиатрия институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Андижон ва Бухоро давлат тиббиёт институтлари ва филиаллари фаолияти таҳлилида кўриш мумкин. Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари фаолиятида ҳам олима аёллар муҳим роль ўйнади. Масалан, Иккинчи Тошкент тиббиёт институтида 1991-2000 йиллар давомида фаолият кўрсатган 51 та кафедра аъзоларининг аксариятини хотин-қизлар ташкил этди. Улар институт клиникаларида тиббиётнинг турли ихтисосликлари бўйича даволаш ва бевосита тиббиёт фанининг турли йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб бордилар⁵². Бу эса ўз навбатида, тиббиёт институтларида илмий педагогик кадрлар тайёрлаш кўламининг ортиб боришига хизмат қилди. Тошкент Тиббиёт академиясининг асосий қисмини олима аёллар ташкил қилди. Жумладан, академиядаги хотин-қизлардан иборат профессор-ўқитувчиларнинг 58%, фан докториларнинг 55%, фан номзодларининг 60,1% фоизи хотин-қизлар эди⁵³.

“Олима” уюшмаси томонидан ҳар йили “Илм юлдузлари” республика кўрик-танлови ўтказилди. 2011 йил маълумотларига кўра, таълим муассасаларида фаолият кўрсатган мутахассисларнинг 48,6 фоизини хотин-қизлар ташкил қилди. Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг 50 % фоизи

⁵⁰ ЎзР Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жорий архиви материаллари.

⁵¹ ЎзР Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жорий архиви материаллари.

⁵² Альманах Второго ТашГосМИ 1990-2000. – Ташкент, 2000. – С. 2-19.

⁵³ Шукурова Э., Ирсалиева Ф. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа // Тиббиётнома, 2018. – № 4.

аёллардан (қишлоқ жойларда 47 %) иборат бўлиб, илмий даражага эга бўлганлар орасида фан доктори, профессор бўлган аёллар 6,5 % ни, фан номзодлари 30,1 % ни ташкил қилди⁵⁴.

1993-2007 йилларда Тошкент фармацевтика институти фармацевтик кимё кафедрасида хотин-қиз кадрлардан Д.Ғоибназарова, Н.Абдуллабекова, Г.Абдуназарова, С.Ким ва И.Новиковалар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Масалан, биргина Токсикологик кимё кафедрасида М.Алихўжаева 1992 йили, М.Абдуллаева 1997 йили, Д.Шодмонова 2006 йили номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди⁵⁵. Шунингдек, институтда Танзила Миррахимова, Машкура Икрамова, Шахноза Халилова, Гулноза Умарова⁵⁶, Зайнаб Сидаметова⁵⁷ каби олималар меҳнат қилди.

Учинчи бобнинг *иккинчи параграфида* ҳамшираларнинг соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ёритиб берилди. Тарихдан маълумки, барча давлатларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалланиб қолганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий муолажаларда ўрта тиббиёт ходимлари, яъни ҳамширалар, фельдшерлар, доялар, лаборантлар, доришунослар алоҳида ўринни эгаллади. Масалан, “Ҳамшира” сўзининг ўзи ниҳоятда чуқур мазмунга эга бўлиб, тиббиётнинг энг фаол бўғини ҳисобланади⁵⁸.

Ўрта тиббиёт ходимларининг катта қисмини ҳамширалар ташкил этади. Ҳамширалар эса асосан хотин-қизлардан иборат бўлди. Ўзбекистондаги мавжуд даволаш муссасасаларининг ҳар бирида ҳамширалар беморларга тиббий хизмат кўрсатишда олдинги ўринларда турди. Айниқса, ҳамширалар қишлоқ жойларда, яъни шифокорлар етишмаган ҳудудларда аҳолини даволаш билан шуғулланувчи асосий мутахассисига айланган. Республиканинг ҳар бир қишлоғида ўзларининг машҳур ва “қўли енгил” ҳамширалари бўлган. Масалан, Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Хурсаной Шарипова кўп йиллар давомида тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатди. Дастлаб Риштон тумани “Тўда” қишлоқ шифохонасига навбатчи ҳамшира бўлиб ишлади. Кейинчалик туман марказий шифохонаси травматология бўлими ҳамшираси, операцион бўлим ҳамшираси, шошилич тез тиббий ёрдам ва реанимация бўлимларида катта ҳамшира вазифаларида самарали меҳнат қилди⁵⁹.

Учкўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси шошилич тез тиббий ёрдам маркази жарроҳлик ва ички касалликлар бўлими катта ҳамшираси Мукаррамхон Абдуллаева ўз касбининг фидойиси сифатида танилди. У мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тажрибали шифокорлар билан ишлади. Мукаррамхон Абдуллаеванинг меҳнат фаолияти давлат томонидан рағбатлантирилиб, “Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан

⁵⁴Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг 40-сонли Раёсат қарори, 2011 йил 13 октябрь, Ўз ОЎМТВ нинг 2011 йил 29 октябрдаги “Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 87-02-741-сонли модемномаси.

⁵⁵Тошкент фармацевтика институти. – Тошкент, 2007. – Б. 66.

⁵⁶Фармацевтика журнали, 2018 йил 4-сон. – Б. 99.

⁵⁷Фармацевтика журнали, 2018 йил 3-сон. – Б. 128.

⁵⁸Нураддинов А. ”Юксак маҳорат тимсоли” // О‘zbekistonda sog‘liqni saqlash. 2006 йил 16 май.

⁵⁹Қодиров М. Ҳаётни одамларни севинг! // Фарғона шифокори, 2021. – №4. – Б. 3.

тақдирланди⁶⁰. Ушбу тиббиёт бирлашмасига қарашли туман кишлоқларида фаолият кўрсатган 225 нафар оила ҳамширалари ўз ҳудудларида аҳоли саломатлигини яхшилаш учун тинимсиз меҳнат қилди. Туманда 69 та “Тиббиёт бригадалари” ташкил этилиб, унинг асосий бўғини ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлди⁶¹.

Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокор хотин-қизлари ҳам аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатди. 2018 йили Марказда умумий ҳисобда 549 нафар аёл тиббиёт ходими фаолият олиб борди. Тиббий соҳада аҳолига малакали хизмат кўрсатишда тажрибали аёл шифокорлар кўпчиликини ташкил этди. Марказда санитар-эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлашда Кристина Ксенофонтובה, марказ бош ҳамшираси Гулнора Ҳайдарова, ташхисхона ҳамширалари Малоҳат Матбобоева, Мадина Каримбердиева, жарроҳлик бўлими ҳамширалари Гўзал Қодирова, Ёдгора Эргашева, Ҳамида Икромовалар шулар жумласидандир⁶².

Республикада илк мартаба Фарғона тажрибаси асосида “Оналарга эҳтиром” фестивали ўтказилиб, унда шаҳар даволаш профилактика муассасалари ва шаҳар болалар шифохонаси ходимлари иштирок этди. Фестивалда 4 та йўналиш бўйича номинациялар асосида ғолиблар аниқланди. “Катта ҳамширалар” йўналиши бўйича шошилишч анестезиология-реанимация бўлими катта ҳамшираси Ш.Мелибаева, “Ҳамширалар” йўналиши бўйича хирургия бўлими ҳамшираси Н.Маматова, “Бўлим бекалари” йўналишлари бўйича шошилишч педиатрия бўлим бекаси М.Ғафуровалар 1-ўринга эга бўлди⁶³.

Бутун дунёда ҳар йили 12 май Халқаро ҳамширалар куни сифатида нишонланади. 2011 йил 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “12-май Халқаро ҳамширалар кунини нишонлаш тўғрисида”ги 124-сонли махсус буйруғи қабул қилинди⁶⁴. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар жараёнида ҳамшираларнинг амалий фаолиятларини самарали белгиловчи халқаро ҳамкорлик муносабатлари қарор топгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу борада кўпчилик ҳамширалар Исроил, ЈСА Халқаро ҳамкорлик агентлигининг кўмаги билан Япония давлатларида ўз касбларига боғлиқ жараёнлар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашди⁶⁵.

Даволаш-профилактика муассасаларида меҳнат қилаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, билимларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиш, миллий тиббиёт сирлари ва тарихини мукамал ўрганишлари учун шароит яратиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Республика “Ҳамшира” кўрик-танлови ўтказилиб борилди. Танлов 3 босқичда ўтказилиб, I босқич республикамизнинг

⁶⁰Бекмирзаев А. Ширинсўз ҳамшира // *Tibbiyot va zamon*, 2021. – №5. – Б. 21.

⁶¹Эргашева М. “Сифатли тиббий хизмат-халқ саломатлиги кафолати” // *Tibbiyot va zamon*, 2021. – №5. – Б. 10.

⁶²Қодиров М. Ширинсухан шифокорлар // *Фарғона шифокори*, 2021. – № 5. – Б. 1.

⁶³Рўзиева Г. Ҳаётимиз куёши, орзуларимиз қаноти, туганмас меҳр уммонисиз, онажонлар! // *Фарғона шифокори*, 2021, № 10. – Б. 4.

⁶⁴Саматходжаев А. “Ҳамширалар меҳнатига эътибор ва ғамхўрлик” // *О‘zbekistonda sog‘liqni saqlash*, 2011 йил 13 май.

⁶⁵Толипов Н. Ҳамширалар меҳнатига эътибор ва ғамхўрлик // *О‘zbekistonda sog‘liqni saqlash*, 2011. – №19. – Б. 2.

барча туман ва шаҳарларида, II босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда, III босқичида эса республика якуний финал босқичи ўтказилди. Мазкур кўрик-танловда фахрли ўринни қўлга киритган голиба тиббиёт олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинди⁶⁶.

2018 йили Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош ҳамшираси Роза Мишенева, Самарқанд шаҳар 3-туғруқ мажмуаси бош дояси Румия Бурнашева, Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Садаф Қосимова, Қашқадарё вилояти Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси Зулфия Ҳакимова аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирларида фаол иштирок этганлиги учун рағбатлантирилди⁶⁷.

Хуллас, Ўзбекистон даволаш муассасаларида фаолият кўрсатган ўрта тиббиёт ходимлари сони йил сайин ортиб борди. Бунда айниқса, ҳамширалар етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Ҳамширалар беморларга даволаш муолажаларини амалга ошириб, йиллар давомида тажриба тўплаб бордилар. Уларнинг хизмати рағбатлантирилиб, ҳамширалар ўртасида кўрик танловлар ўтказилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни билан боғлиқ тарихий жараёнларнинг таҳлили ва тадқиқи қуйидаги **хулосаларга** асос бўлди:

1. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги ислохотлар жараёнида хотин-қизлар энг фаол иштирокчи бўлди. Республикада умумий шифокорлар сонига аёллар улуши катта фоизни ташкил этиши ҳам уларнинг соҳа ривожигаги ўрнининг юқориликдан далолат беради. Ўрта тиббиёт ходимлари эса асосан хотин-қизлардан ташкил топди. Қолаверса, соҳа бошқарув тизимида, тиббиётнинг турли йўналишлари ривожига хотин-қизлар муҳим роль ўйнади. Тиббиёт бўйича давлат степендиантлари ҳамда ЖССТнинг Марказий Осиё бўйича эксперти ҳам айнан ўзбекистонлик аёл бўлди. Ўзбекистон тиббиётида онко-мактаб яратиш ҳам хотин-қизларнинг ғояси бўлди. Хотин-қизлар тиббиёт ходимлари пандемия шароитида коронавирუსга қарши курашда ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатди. Баъзилар касалликни юктириб, вафот этди. Қолаверса, Ўзбекистонда коронавирუსга чалинган биринчи беморни даволаган шифокор ҳам аёл киши бўлди.

2. Юқумли касалликлар бўйича ихтисослашган баъзи тиббиёт муассасаларининг ходимлар бўйича классификацияси ўрганилганда, аёлларнинг улуши юқорилиги аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вирусология илмий-текшириш институтида бир қатор таниқли ва фидойи олималар фаолият кўрсатди. Институт қошида Миллий грипп маркази фаолият кўрсатиб, ходимларининг

⁶⁶Салиходжаева Р. "Маҳорат ва тажриба уйғунлиги" // О'zbekistonda sog'liqni saqlash. 2012 йил 11 май.

⁶⁷Соатова И. Мехнат замирида муносиб рағбат // О'zbekistonda sog'liqni saqlash, 2018. №20. – Б. 4-5.

кўпчиллиги хотин-қизлардан иборат бўлди. Муҳайё Асилова, Насиба Муҳаммедова, Вазира Каримжоновна, Ҳушнуро Саидгазиева, Зилола Алимова кабилар Ўзбекистон тиббиёти тарихига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан кирдилар. Юқумли касалликлар мавзуси бўйича бир қатор олима аёлларимиз ўзларининг илмий мактабларини яратишга ҳам муваффақ бўлди. Уларнинг шогирдлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларнинг тиббиёт муассасаларида ҳам фаолият кўрсатди. Ўзбекистонда болалар юқумли касалликларини ўрганиш ва даволашда Тошкент давлат педиатрия институтининг алоҳида ўрни бўлиб, ушбу йўналишда бир нечта кафедралардаги хотин-қиз олималар долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб борди. Бу каби тадбирларнинг барчасида хотин-қизлар фаол иштирок этиб, улар Ўзбекистонда юқумли касалликлар кўрсаткичининг пасайишига, дифтерия, қоқшол касалликларининг бутунлай тугатилишига катта ҳисса қўшдилар.

3. Болаларни даволаш ва педиатрия фанини йўлга қўйишда аёлларнинг роли масаласини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиндики, болаларни парваришlash ва даволашда аёллар ҳал қилувчи ўринда турди. Бу эса болалар шифокорларининг аксарияти хотин-қизлардан иборат бўлишга асос бўлди. Қолаверса, болалар касалликларининг ривожланиш жараёни, уларнинг касалланишнинг олдини олиш усуллари аёллар томонидан кучли ўзлаштирилди. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётнинг бу йўналиши соғлиқни сақлаш соҳасининг марказий йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда ушбу соҳа ривожидан Тошкент давлат педиатрия институти олима аёллари етакчилик қилди. Мазкур институтда фаолият кўрсатган қатор олималар ўз фаолияти давомида эришган ютуқлари нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида тан олинди, доимий равишда халқаро форум, симпозиум, илмий анжуманларда иштирок этиб, педитария фаннинг долзарб муаммолари хусусида маърузалар қилди ва қатор хорижий ФА аъзолигига ҳам қабул қилинди.

4. Ўзбекистонда болалар саломатлигини сақлашда муҳим роль ўйнаган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси фаолиятида ҳам хотин-қизлар тиббиёт ходимлари етакчилик қилди. Уларнинг бир нечтаси хизматлари учун давлат томонидан муносиб тақдирланди. Педиатрия соҳасида меҳнат қилган хотин-қизлар нафақат фанни ривожлантиришда, балки бевосита амалиётда ҳам муайян натижаларга эришдилар. Буни болалар поликлиникалари ва шифохоналари аёл шифокорлар фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси педиатрия илмий-текшириш институтининг неонатология бўлими ходимлари ҳам бу борада ижобий натижаларга эришди. Улар чала туғилган гўдакларни парвариш қилиш ва болалар овқатлантириш муаммолари билан ҳам жиддий шуғулланишди. Айниқса, вилоятларда фаолият кўрсатган перинатал марказлари неонатологлари бу соҳада тинмай меҳнат қилди.

5. Ўзбекистонда аҳолининг яримидан ортигини хотин-қизлар ташкил этиши, ўз ўрнида, уларнинг саломатлиги масаласига алоҳида эътиборни

талаб қилди. Улар саломатлигининг назорати ҳам асосан аёл шифокорлар кўлида бўлди. Бунда бир вақтда ҳам гинекологлар, ҳам акушерлар хизмати катта бўлиб, аёллар касалликлари профилактикаси, бепуштликни даволаш ва бу касалликларга қарши кураш тадбирларида хотин-қиз тиббиёт ходимлари хал қилувчи роль ўйнади.

6. Ўзбекистонда тиббий йўналишдаги таълим муассасаларидаги тиббиёт коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчиларининг ҳам катта фойзини хотин-қизлар ташкил этди. Таълим самарадорлиги аввало, ўқув жараёни билан чамбарчас боғлиқлиги инобатга олиниб, тиббий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича хотин-қиз педагоглар томонидан ўқув дастурлари ва адабиётлар тайёрлаш ишларига яқиндан ёрдам берилди. Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатган хотин-қизлар ўқув тарбия, фан ва амалиётни биргаликда олиб бордилар.

7. Ўзбекистонда ўрта тиббиёт ходимлари, яъни ҳамширалар ва доялар соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим ўринни эгаллади. Йиллар давомида ҳамширалар сони ортган бўлса, доялар сонида камайиш кўзга ташланади. Тиббиёт тизимида фаолият кўрсатган ўрта тиббиёт ходимларининг 90 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди. Шифокорлар беморга ташхис қўйиб, уни даволаш усуллари хусусида бош қотирсалар, ҳамширалар ўз ўрнида буюрилган муолажаларни амалга оширдилар. Ҳар бир даволаш муассасасида кўп йиллик тажрибага эга ҳамширалар фаолият кўрсатиб, улар беморларни даволашда ўз тажрибалари билан шифокорларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлди. Фидоий ҳамширалар меҳнатига яраша давлат томонидан рағбатлантирилиб, орден ва медаллар билан тақдирландилар, шунингдек, ҳар йили ҳамширалар кунини нишонлаш анъанага айланиб борди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиётини ривожлантиришда хотин-қизларнинг иштироки муаммосининг ўрганилиши кўйидаги **таклиф ва тавсияларга** асос бўлди:

1. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг талабга жавоб бермаслиги, хотин-қизларнинг меҳнат шароити, уларга имтиёзлар бериш масаласи қайта кўриб чиқилиши лозим;

2. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига оид аёллар билан боғлиқ бандларини қайта кўриб чиқиш ва уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиш зарур;

3. Ўзбекистон давлат архивларининг мавзуга доир фондлари ўрганилганда, шундай хулосага келиндикки, хотин-қиз тиббиёт ходимларининг шахсий фондларини ташкил этиш умуман талабга жавоб бермайди. Шу боис, Республика тиббиёт ривожига катта хисса қўшган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотларни тўплаб, уларни давлат архивларига топшириш ва шу асосида уларнинг шахсий фондларини яратиш зарур;

4. Тошкент шаҳрида Қ.С.Зоҳидов номли Соғлиқни сақлаш музейида тиббиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни мавзусида экспозицияни шакллантириш лозим;

5. Бугунги кунда тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган олималар меҳнатини тарғиб этиш ва уларнинг номини тарихда қолдириш учун “Ўзбекистонда тиббиёт фанини ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли” номли монографияни тайёрлаш ва нашр эттириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УБАЙДУЛЛАЕВА ШАХЛО АБДУЛЛАЕВНА

**РОЛЬ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ МЕДИЦИНЫ УЗБЕКИСТАНА
(1991-2021 годы)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под B2019.4.PhD/Tar586.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Муминова Гавхар Эсановна доктор исторических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Эргашева Юлдуз Алимовна доктор исторических наук, профессор Джурасва Нилуфар Далибаевна кандидат исторических наук, доцент
Ведущая организация:	Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 по присуждению научных степеней при Каршинском государственном университете «12» 2022 года в 9:00 (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабаг 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за номером 126). (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабаг 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «19» 12 2022 года (протокол реестра № 22 от «14» 12 2022 года).



Б.Ж.Эшов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор

Н.Н.Ражабова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых
степеней, к.и.н., доцент

Ю.А.Эргашева
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке вопрос о роли женщин стал одним из самых острых в обществе. Повышение роли женщин в различных сферах общественной жизни, в том числе в системе здравоохранения, дальнейшее развитие медицинской сферы требовало большей направленности на оказание качественных медицинских услуг населению. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) сосредоточила свое внимание на обеспечении прав женщин в области здравоохранения и повышении их медицинской грамотности. Потому что женщины сыграли важную роль в развитии области здравоохранения.

Сегодня в медицинских научных центрах и высших учебных заведениях различных ведущих стран мира проводится ряд медицинских исследований, направленных на изучение различных тем в области медицины. В данных исследованиях актуальным вопросом стали исследования таких тем, как общественное здоровье, расширение прав и возможностей женщин в медицине, гендерное равенство в медицине, социальная поддержка медицинских кадров.

В результате реформ, проводимых в системе медицины Узбекистана, в сфере здравоохранения наблюдаются положительные изменения. Женщины также принимали активное участие в реформах, проводимых в сфере, и это положение сыграло важную роль в обеспечении населения качественными медицинскими услугами. За годы независимости в Узбекистане достигнут ряд положительных результатов в плане коренного обновления сферы медицинских услуг. Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев: «Укрепление здоровья нашего народа, формирование здорового образа жизни является для нас жизненно важным вопросом. Охрана здоровья своего населения является важной проблемой, имеющей решающее значение для каждого государства и общества¹». В области здравоохранения и медицины разработано и введено в действие несколько законов и постановлений. Актуальность выбранной темы определяет и важность использования результатов изучения истории данной сферы в системных реформах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализацией задач указанных в Постановлении и Указах Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», ПП-5325 от 2 февраля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи», № УП-4235 от 7 марта 2019 года «О мерах по дальнейшему укреплению гарантий трудовых прав женщин и поддержке предпринимательства», ПП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения в Республике Узбекистан», ПП-6221 от 5 мая 2021 года «О последовательном продолжении реформ в системе здравоохранения и создании необходимых условий для

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису // Халк сузи, 2018, 29 декабря. – № 225 (2229). – Б. 1.

повышения квалификации медицинских работников», № ПП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование в диссертации проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики 1. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Исследования по теме можно разделить по периоду и характеру на две группы: 1) Работы, опубликованные в период независимости. 2) Работы зарубежных авторов.

Объем работ, опубликованных за годы независимости Узбекистана, важной в истории темы, невелик, большую часть составляют статьи². Наряду с известными учеными, внесшими значительный вклад в развитие медицины Узбекистана, можно увидеть статьи о медсестре маленького кишлака. В частности, на страницах таких периодических изданий, как «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш», «Сихат-саломатлик», «Тиббиёт ва замон», «Тиббиётнома», «Фарғона шифокори» опубликованы статьи о деятельности женщин-медиков.

